

## ҚАДРИЯТЛИ ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ПАРАДИГМАЛАРИ

Қаршибоева Дилфузада Бурлиевна-ЖДПИ Умумий психология кафедраси ўқитувчиси

Мустафоқулов Қобилжон, Мусиқа маданиятити факультети 2-курс 1014 гурух талабаси

*Қадрли нарсалар фақатгина “ҳамма нарса сотиладиган ва сотиб олинадиган дунёда” яратиласди.*

*Вен. Ерофеев*

**Аннотация:** Ушбу мақолада қадриятларнинг терминологик хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** қадрият, шахснинг йўналганлиги, шахс структураси, парадигма.

Собиқ совет психологиясида қадриятли ориентациялар тизимини шахснинг йўналганлиги тушунчаси орқали таърифлашади ва бу изоҳ остида шахснинг етакчи структура ости сифатида эҳтиёжлардан тортиб идеалларгача инсон психикасининг барча соҳаларини қамраб олувчи қандайдир бир генерализациялаштирувчи ибтидо тушунилади. Қадриятлар ҳодисаларнинг инсон фаолиятининг ориентирлари сифатидаги объектив аҳамиятини ўзида мужассамлаштиради. Шахснинг йўналганлиги шахс фаолиятини йўналтирувчи ва мавжуд вазиятлардан қиёсий олганда мустақил бўлган барқарор мотивларнинг йигиндисидир.

Л.М.Смирнов қадриятли терминологиянинг икки асосий парадигмаларини келтириб ўтади:

• Энг кўп хоҳиш билдирилган, эмоционал жиҳатдан ўзига жалб этган, инсонлар турмушининг идеал ҳолатини таърифлаб беришга қодир бўлган етарлича абстракт тарзда ифодаланган концепциялар – бу терминал қадриятлар.

• Хулқ-автор ёки хатти-ҳаракатларнинг чуқур эмоционал маъқул деб топилган модуси (кўриниши) – бу инструментал қадриятлар.

У яна шуни таъкидлаб ўтадики, индивидуал қадриятларнинг мавжуд бўлиши ҳар бир шахсга тараққиёт жараёни давомида олдиндан тайёр, ушбу маданиятда маъқулланадиган асосий қадриятларни ўзига ўзлаштириб олишга имкон беради. Ўзлаштириб олингандан сўнг хулқ-авторнинг, қарорлар, танловларнинг муҳим детерминантлари бўлиб қолишади.

М.Рокич томонидан ажратилган икки синф қадриятлари ҳаммага маълум:

1. терминал – индивидуал мавжудликнинг қандайдир сўнгги мақсади шу мақсадга интилиш учун арзишига ишониш;

2. инструментал – шахснинг хатти-ҳаракатлари ва хусусиятларининг қандайдир образи ҳар қандай ҳолат маъқул келадиган даражада бўлишига ишониш.

Бу бўлиниш анъанавий бўлган қадриятлар-мақсадлар ва қадриятлар-воситаларга бўлинишига мос келади.

Терминал қадриятлар:

- фаол фаолиятли ҳаёт (ҳаётнинг тўла-тўқислиги ва эмоционал жиҳатдан мазмунга бойлиги)
- ҳаётий донолик (ҳаётий тажриба орқали эришаладиган хулосаларнинг етуклиги ва соғлом фикрлаш тарзи)
- саломатлик (жисмоний ва рухий)
- қизиқарли иш
- табиат ва санъатнинг гўзаллиги (ажойиботлар учун қайгуриш)
- муҳаббат (севимли инсон билан маънавий ва жисмоний яқинлик)

- моддий жиҳатдан таъминланган ҳаёт
- яхши ва содик дўстларнинг мавжудлиги
- жамият томонидан тан олиниш ва ҳоказо.

Инструментал қадриятлар:

- хушчақчақлик ( ҳазил-мутойиба туйғуси)
- ўз-ўзини назорат қилиш (босиқлик, ўзини интизомга бўйсундириш)
- ўқимишлилик (билимлар доирасининг кенглиги, юқори даражадаги умумий маданият)
- қарашлар доирасининг кенглиги (бошқа нуқтаи назарни тушуна олиш қобилияти)
- иш-ҳаракатдаги самарадорлик (мехнатсеварлик, иш фаолиятидаги маҳсулдорлик) ва ҳоказо.

Қадриятлар инсоният томонидан содир бўлаётган одатий вазиятларнинг умумлаштирилиши орқали пайдо бўлиб боришган ҳамда инсоннинг ҳаётини бошқариб турувчи аҳамиятга эга принциплар кўринишида “расмийлаштирилган”. Тахмин қилганимиздек, ҳамма инсонлар учун умумий бўлган қандайdir бир аксиологик майдон мавжуд бўлиб, унда ушбу мазмунли универсалиялар жойлашган бўлишади ва инсон ҳеч қандай янги нарса ўйлаб топмайди, фақатгина мавжуд бўлганлари орасидан ўзининг индивидуаллигига мос келадиганини “танлаб олади”.

Бундан ташқари умуминсоний қадриятлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда ижтимоий ва индивидуал ҳаётнинг қадриятлари бир бутун бўлиб бирлашади. Улар ўзида муҳим моддий ва маънавий қадриятларнинг маълум бир тизимини мужассамлаштиради. Ушбу тизимнинг асосий элементлари қуидагилар ҳисобланишади:

- табиий ва ижтимоий ҳаёт;
- аҳлоқий тамойиллар, эстетик ва ҳуқуқий идеаллар;

• фалсафий ва диний ғоялар ҳамда бошқа маънавий қадриятлар.

“Қадриятларнинг қадрияти”, бизнинг фикримизча, бу ҳаёт қадриятидир. У охирги пайтларда унчалик машхур бўлмай қолди ва кўпчилик уни кўздан қочиришмоқда ҳамда ушбу борлиқни жуда муҳим неъмат деб ҳисобламай қўйишган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Леонтьев Д.А. Ценностные представления в индивидуальном и групповом сознании. Методика изучения ценностных ориентаций // Психологическое обозрение №1, 1998. С. 27-33.
2. Майерс Д. Социальная психология / Перев. с англ. – СПб.: Издательство «Питер», 1999. – 688 с.
3. Франкл В. Человек в поисках смысла.- М.: Прогресс, 1990.
4. Братусь Б.С. Психологические аспекты нравственного развития личности. - М., 1977.
5. Абульханова-Славская К.А. Стратегия жизни. - М.: Мысль, 1991. – 302 с.
- 6.Karshibaeva Dilfuza Burlievna (2020). CRITICAL THINKING IN ADOLESCENTS. Евразийский Союз Ученых, (12-1 (81)), 4-5.
- 7.Karshibaeva, D., & Sattarova, F. (2020). CRITICAL THINKING IN ADOLESCENTS. EurasianUnionScientists, 1(12 (81)), 4-5.
- 8.Burliyevna, K. D. (2022). THE WAYS OF INCREASING RELATIONSHIP BETWEEN HOME AND SCHOOL ENVIRONMENT IN CHILDREN'S PSYCHOLOGICAL DEVELOPMENT. ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРДА ИННОВАЦИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 2(3), 37-40
- 9.Dilfuza Qarshiboyeva, [КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 \(2021\): Zamonaliviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
- 10.Dilfuza Qarshiboyeva, [IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES](#), [Журнал Педагогики](#)

и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

11.Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от

<https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906>

12.Achilovna, A. N., & ugli, K. S. F. (2022). Information Texnologu in the Professional Development of Modem Teachers. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, 2(2), 73–77. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1054>

13.Karshibaeva Dilfuzra Burlievna (2020). CRITICAL THINKING IN ADOLESCENTS. Евразийский Союз Ученых, (12-1 (81)), 4-5.

14.Burliyevna, K. D. (2022). THE WAYS OF INCREASING RELATIONSHIP BETWEEN HOME AND SCHOOL ENVIRONMENT IN CHILDREN'S PSYCHOLOGICAL DEVELOPMENT. ИЖТИМОЙ ФАНЛАРДА ИННОВАЦИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 2(3), 37-40.

15.Сиддикова, С. Х., Каршибоева, Д. Б., Янгибоева, З. А., Очилова, М. Ш. К., Равшанова, А. Р., & Алимкулов, С. О. У. (2016). Экологическое образование как комплексная проблема современности. *Academy*, (6 (9)), 97-98.

16.Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).

17.Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>

18.Majidov, J. (2021). ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР КЕЧИШИНинг АЙРИМ ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал*

*Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1).* извлечено от  
<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/724>

19.Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1).* извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>

20.Majidov, J. (2021). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1).* извлечено от  
<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1375>

21.Majidov, J. B. (2020). Some characteristics of relationships in football teams. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11),* 1981-1988.

22.Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании,* (3). извлечено от  
<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>

23.Ж.Мажидов.ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА “ТРЕНЕР – СПОРТЧИ” ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <https://scienceweb.uz/publication/865>

24.Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613.

23.Majidov, J. (2021). ЁШЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАН ҚОНИҚИШ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1).*

- 24.Жасур, М. (2022). ГЕНДЕР ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ УСТАНОВКАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Involta Scientific Journal*, 1(6), 69-77.
- 25.Жасур, М. (2022). ГЕНДЕР ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ УСТАНОВКАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Involta Scientific Journal*, 1(6), 69-77.
- 26.Мажидов Жасур, & Ҳамдамов Ҳайдарбек. (2022). ШАХСГА СТРУКТУРАВИЙ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Involta Scientific Journal*, 1(7), 138–148. Retrieved from <https://involta.uz/index.php/iv/article/view/255>